

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВА РАЪНО ДАЛАБАЕВНА

**ПОМИДОР ЭКИНИДА *ASARIPHORMES* ТУРКУМИ
ВАКИЛЛАРИНИНГ ЗАРАРИ ВА УЛАР МИҚДОРИНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Мўминова Раъно Далабаевна

Помидор экинида *Acariphormes* туркуми вакиллари зарари ва улар
миқдорини бошқаришни такомиллаштириш..... 3

Муминова Раъно Далабаевна

Вредоносность представителей отряда *Acariphormes* на культуре томата
и усовершенствование управления их численностью..... 21

Muminova Rano Dalabaevna

Harmfulness of representatives of the *Acariphormes* orders on tomato and
improvement regulation of their numbers..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВА РАЪНО ДАЛАБАЕВНА

**ПОМИДОР ЭКИНИДА *ACARIPHORMES* ТУРКУМИ
ВАКИЛЛАРИНИНГ ЗАРАРИ ВА УЛАР МИҚДОРИНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx303 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маматов Камол Шавкиевич биология фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Хўжаев Шамиль Турсунович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Бобобеков Қаландар биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+ 99871) 260-48-00; факс: (+ 99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Я.Х. Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, қ.х.ф.н., доцент

М.М.Адилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулоти сифатида помидор экини дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида етиштирилиб, дунё аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини маълум даражада қондирмоқда. Кейинги вақтларда помидор экинини етиштиришда зараркунанда ва касалликлар зарари таъсирида умумий ҳосилнинг ўртача 30-40% гача қисми йўқотилиши кузатилмоқда¹. Ушбу нобудгарчиликнинг олдини олиш мақсадида дунё зироатчилигида турли усул ва воситалар қўлланилиб, помидор етиштириш сарф харажатларининг ортишига олиб келмоқда.

Дунёда помидор етиштирувчи давлатларда зараркунандалар миқдорини бошқариш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилиб, амалиётга ижобий натижалар жорий этилган. Жумладан, АҚШда помидорни етиштиришда зараркунанда ва касалликлар туфайли 60%гача ҳосил йўқотилиши кузатилади. Аммо қатор илмий-тадқиқот муассасаларининг олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, янги усул ва воситалар ишлаб чиқилиб ҳосилдорлик 45% гача сақлаб қолишга эришилган. Дунё тадқиқотчиларининг фикрига кўра, помидор экинида энг хавфли зараркунанда турлари сифатида *Acariphormes* туркуми вакилларига кирувчи турлар қайд этилган. Шу сабабли, ушбу йўналишда қатор тадқиқотлар олиб бориш ва помидор зараркунандаларига қарши уйғунлашган кураш тизимини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда сабзавот экинларини етиштириш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш асосида экин ҳосилини сақлаб қолиш муҳимдир. Шу билан бирга 2018 йилда 37,2 минг гектар майдонда помидор экилган бўлиб, 754,2 минг тонна ҳосил етиштирилган. Аммо помидорни етиштириш давомида *Acariphormes* туркуми вакилларига кирувчи каналар катта зарар келтириб, ҳосилдорликнинг ўртача 35-40% қисми нобуд бўлмоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга илмий асосланган технология ва воситалар асосида маҳсулотларни етиштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор йўналишда вазифалар белгиланган². Шунга кўра, помидор етиштиришда уларни зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг уйғунлашган кураш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

¹OERKE E.C. Crop losses to pests. Journal of Agricultural Science, Institute for Plant Diseases, Cambridge University Press, 2005.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5388-сонли фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-484-сон қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Помидорнинг зараркунандаларидан *Acariphormes* туркуми вакиллариининг биоэкологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси ва уларга қарши кураш чоралари бўйича хорижий олимлар E.C.Oerke, A.M.Masse, K.P.Lamb, A.M.Nagerty, S.Y.Emmert, H.T.Reynolds, L.Furlan, Di.Bernardo, A.Boriani, M.Douglas, H.Merivee, E.Rahi, M.Bresciani, H.P.Ravn and A.Luik, Россияда В.Д.Семеренко, В.Г.Шевченко, В.Г.Долин, Р.Нюонзи, Ю.И.Помазков, Л.М.Хромовалар иссиқхона экинларидаги каналар ва уларнинг зарари бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Грузияда Т.М.Чавчанидзе, Л.Т.Отхмизури ва бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва илмий ташкилотлар томонидан изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистонда олимлардан Ф.М.Успенский, Б.А.Сулайманов, М.И.Рашидов, К.Ш.Маматов каналарнинг очик ва иссиқхона шароитида биологик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ўтказишган, Ш.Т.Хўжаев, Е.Ш.Торениязов, Б.Болтаев, С.Н.Алимуҳаммедов, С.Аҳмаджонова, А.Ҳакимов, З.А.Пўлатов, К.Дурдиев, С.Б.Бекмурадовлар помидорнинг сўрувчи зараркунандаларининг энтомофаг турлари, биоэкологик хусусиятлари, қўпайтириш ва қўллаш самарадорлигини аниқлаш бўйича А.Ш.Ҳамраев, Х.Х.Кимсанбоевлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Аммо мамлакатимиз ҳудудларидаги помидор етиштириладиган майдонларда *Acariphormes* туркуми вакиллариининг помидор экин майдонларида тарқалиш ареали, зарарлилик даражаси, биоэкологик хусусиятлари, табиий кушандалари систематик таҳлили ҳамда каналарга қарши истиқболли янги воситаларни аниқлаш, қўллаш, амалиётга жорий этиш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг илмий ишлари режасига киритилган КФ5-002 «Ўсимлик зараркунандалари паразитлари ва уларнинг биоценоздаги ривожланиш назарияси» (2012-2016 йй.), ҚХА-10-109-IV

«Иссиқхоналарда сабзавот экинлари зараркунандаларига қарши атроф муҳит учун безарар бўлган биологик кураш усулларини излаб топиш асосида экологик соф маҳсулот етиштириш технологиясини такомиллаштириш» (2009-2011 йй.), ВА-ҚХА-9-004 «Сабзавот экинлар агробиоценозида зараркунандалар сонини бошқаришда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш» (2017-2019 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республикамизнинг Тошкент вилояти шароитида помидорда *Acariphormes* туркуми вакиллариининг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, зарарлилик даражасини аниқлаш ва уларга қарши уйғунлашган кураш чораларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти шароитида помидор агробиоценозида учрайдиган *Acariphormes* туркуми вакиллариининг тур таркиби, биологик хусусиятларини аниқлаш;

помидор агробиоценозида *Acariphormes* туркуми вакиллари, табиий кушандаларининг систематик таҳлили, тарқалиш ареали ва зарарлилик даражаларини аниқлаш;

помидорда зарарли каналарга қарши табиий кушандаларни ишлатиш орқали зараркунанда миқдорини бошқариш мумкинлигини ўрганиш;

помидор агробиоценозида *Acariphormes* туркуми вакиллариининг миқдорини бошқаришда самарали акарицидларни танлаб, ишлатишнинг муддат ва меъёрларини белгилаб бериш;

помидор экинида зарарли каналарга қарши яратилган усул ва воситаларнинг ҳўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилояти шароитида етиштириладиган помидор экини ва унинг навлари, каналар, энтомофаг турлари, каналар миқдорини бошқаришда қўлланилган кимёвий ва биологик воситалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Тошкент вилояти агробиоценозида учрайдиган *Acariphormes* туркуми вакиллари биоэкологик хусусиятлари, энтомофагларининг биологияси, кўпайтириш ва каналар миқдорини бошқаришда биологик ва кимёвий воситаларни қўллаш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Помидор экинида учрайдиган *Acariphormes* туркуми вакиллари ва энтомофагларининг тур таркибини, тарқалиши ва зарарлилигини аниқлаш, ҳамда намуналарни йиғишда Ф.М.Успенский, И.Я.Поляков, К.Е.Воронин, Г.М.Ярославцев, С.Г.Боинская, В.Ф.Палий, Б.П.Адашкевич, Э.С.Шийко, Г.С.Посыпанов, В.И.Танский, Г.Я.Бей-Биенко, С.М.Волков, каналар ва уларнинг кушандаларининг систематик таҳлили Л.М.Копаневалар қўлланмаси бўйича, каналарнинг биоэкологик хусусиятлари, экинларнинг чидамлилигини ўрганишда К.К.Фасулати, И.В.Кожанчиков услублари асосида; зараркунандалар зичлиги, зарарлилик даражалари ва

агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев, В.Ф.Пересыпкин, Г.И.Сухорученколар услубларидан фойдаланилган ҳолда қўлланилган воситаларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорликлари W.S.Abbot, К.А.Гар услублари асосида олиб борилди. Олинган натижалар Б.А.Доспехов тавсия қилган услублар асосида MS EXCEL компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

помидор экинида каналарнинг биоэкологик хусусиятлари ва популяцияларининг шаклланиши ўрганилиб, иқтисодий зарарлилик миқдор мезони ишлаб чиқилган;

помидор агробиоценозида каналар табиий энтомофаглариининг тур таркиби ва уларнинг самарадорлиги аниқланган;

каналарнинг сонини бошқаришда янги турдаги акарицидлар ўрганилиб, уларни ишлатишни мақбул муддати ва меъёрлари ҳамда ишлатиш технологияси яратилган;

помидор экини агробиоценозида *Acariphormes* туркумига мансуб зараркунандаларга қарши биологик, ҳамда кимёвий воситаларнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

помидор экини агробиоценозида *Acariphormes* туркуми вакиллариининг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси, хўжайин-энтомофаг муносабатлари, табиий кушандалари тур таркиби аниқланган;

помидордан экологик соф маҳсулотлар етиштириш мақсадида олтинкўз энтомофаги ва микробиологик препаратлардан Биослип БТ н.кук. воситаларини қўллаш муддат ва меъёрлари аниқланган;

помидор экинида *Acariphormes* туркуми вакиллариининг миқдорини бошқаришда янги Вертумек 3,6% эм.к., Абамин, 5%, Калито, 18,6% эм.к., Энтомектин Экстра, 3,6 % сус.к., Коло, 50% сус.п., Benthos 1,8% эм.к., Римон Фаст, 10% сус.к. препаратлари танланган, ушбу воситалардан фойдаланиш меъёрлари, муддатлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия қилинган;

помидор экинида каналар миқдорини самарали бошқаришда уйғунлашган кураш тизими такомиллаштирилган, унинг хўжалик-иқтисодий самарадорлиги исботлаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказишда қабул қилинган услублар асосида ўтказилганлиги, яъни услубий жиҳатдан тўғрилиги; назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ҳамда маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар хулосаларга мос келиши, илмий-тадқиқот ишлари чуқур математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқотларнинг натижалари Республика ва халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалар амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятлари шароитида помидор агробиоценозида *Acariphormes* туркуми вакиллариининг биоэкологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси, табиий кушандалари, систематик таҳлили ва уларга қарши уйғунлашган кураш тизими яратилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти помидорда *Acariphormes* туркуми вакиллари миқдорини бошқаришда самарали биологик ва кимёвий воситаларнинг танланиши, уларни қўллаш муддат ва меъёрларининг ишлаб чиқилганлиги, олинган ижобий натижаларнинг жорий этилганлиги, помидор ҳосилини сақлаб қолиш ва аҳолини сифатли маҳсулот билан таъминлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Помидор экини агробиоценозида зарарли каналарнинг миқдорини бошқариш бўйича яратилган ишланмалар қуйидагича жорий этилди:

помидорда каналарга қарши бир қатор истикболли замонавий акарицидлар ўрганилиб, ижобий баҳо олганлари амалий тавсия қилинди. Буларга қуйидагилар киради: Вертумек 3,6% эм.к. (0,2 л/га), Абамин, 5% (0,1 л/га), Калито, 18,6% эм.к. (0,225 л/га), Энтомектин Экстра, 3,6 % сус.к. (0,15 л/га), Коло, 50% сус.п. (1,0 л/га), Benthos 1,8% эм.к. (0,5 л/га), Римон Фаст, 10% сус.к. (0,3-0,7 л/га). Буларнинг ишлатиш регламентлари белгиланди (Ўзбекистон Республикаси Кимёлаштириш ва Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссияси 2019 йил 12 февралдаги 2-6/1-41-сон маълумотномаси);

помидор экинида занг кана ва ўргимчакканага қарши янги кимёвий препаратлар Қибрай тумани «Бекпўлат Агро Омад» ва Тошкент тумани «Sevara brend style» фермер хўжаликларида жами 24,5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 майдаги 02/023-204-сон маълумотномаси). Натижада ушбу препаратлар қўлланилган-да 85,0-93,4% биологик самарадорликка эришилган ҳамда гектарида нозоратга нисбатан ўртача 13,2-13,5 тоннагача помидор ҳосили сақлаб қолиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Илмий янгилиги, назарий ва амалий натижалари баён этилган, натижаларини амалиётга жорий этиш, республика, хорижий давлатларда нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Помидорда (*Acariphormes*) туркумига мансуб каналарнинг зарари ва улар миқдорини бошқаришнинг долзарблиги»** бобидаги адабиёт шарҳида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ва бу борада тадқиқотлар олиб борган маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий иш натижалари, диссертация бажарилган жойдаги илмий ишлар натижаси таҳлил қилинган бўлиб, бунда помидорни зарарлайдиган занг канаси ва ўргимчаккананинг тарқалиши ва биоэкологик ривожланиш хусусиятлари уларнинг келтирадиган зарари ҳамда мавжуд бўлган кураш усуллари (агротехник, биологик, кимёвий) аҳамият берилган. Республикамиз иқлим шароитида уларни қандай қилиб амалиётда ишлатгани ва усуллари етарлича кўрсатиб ўтилмаганлиги учун, мавжуд маълумотларга таянган ҳолда диссертация олдида қўйилган мақсад ва вазифалар тизимли равишда шакллантирилди.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг агроиқлим таърифи, тадқиқот материаллари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган жойларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот жойи ва тадқиқот усуллари баён этилган. Диссертация иши 2016-2018 йиллар давомида лаборатория ва кичик дала тажрибалари Тошкент Давлат аграр университетининг «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» кафедрасида, «Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот маркази»да, ТошДАУнинг ўқув-тажриба станциясида, дала тажрибалари эса Тошкент вилоятининг Тошкент туманида жойлашган «Бекпўлат Агро Омад» фермер хўжалигида ва Қибрай туманидаги «Sevara brend style» ф/х помидор далаларида ҳамда республика бўйича йўналишли кузатувларда ўтказилди. «Бўзсув» метеостанция маълумотларидан фойдаланилиб, 2016-2018 йил-ларида ҳар кундаги ҳаво ҳарорати, нисбий намлик ва ёғингарчилик таҳлил қилинди.

Помидорда каналарни ҳисоблашда ўсимликнинг ўсув нуқталари ўрта ва пастки ярусдаги помидор меваси, гули, ғунчалари ва

баргларининг олд ва орқа томонлари синчиклаб текширилди. Ҳисоблар шахмат усулида 1 м^2 да 4 та ўсимлик жами 100 ўсимликда олиб борилди. Фитофаглар ва энтомофаглар сонини В.А.Трапицин, В.А.Шепитильникова, В.А.Шапиров услублари бўйича олиб борилди. Фитофагларнинг зарар келтириш ва иқтисодий зарар келтириш мезони В.М.Танскийнинг услубий қўлланмаси асосида ҳисоб этилди. Турли даражада зарарланган ва назоратдаги зарарланмаган ўсимликлардан олинган ҳосил А.П.Де Милло, Б.Д.Азимов услуби бўйича қиёсий таққослаш йўли билан аниқланди.

Помидор ўсимлиги баргига каналарнинг тушишини барг юзасининг шакли ва тузилишига боғлиқлиги Э.И.Слепян услуби асосида аниқланди. Пастки эпидермис кесимида олинган 1 см^2 ҳажмда барг сиртида жойлашган хужайра ва устицалар миқдори аниқланди. Баргнинг кўндаланг кесимида эса колбасимон ва лабсимон паренхималар аниқланди. Агротехникага доир барча ишлар Х.Ч.Буриев, А.Абдуллаев услуби ва тавсиялари асосида олиб борилди.

Ўсимликлар фенологиясини ўрганишда Б.Д.Азимов услубидан фойдаланилди. Бунга кўра кўчат экилгандан сўнг шоналаш, гуллаш, мева туғиш ва мева пишиш муддатлари, ўсимликни ривожланиши - барг сони, бош поя баландликлари аниқланди.

Агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев., В.Ф.Пересыпкин ва бошқ., Г.И.Сухорученко ва б. усулларидан; қўлланилган воситаларнинг биологик самарадорлигини ҳисобга эса W.S. Abbot ва Khattak услубларидан; қўлланилган усулларнинг иқтисодий самарадорлиги К.А. Гар услубидан; тажрибаларда олинган натижалар Б.А.Доспехов, В.Ф.Моисейченко ва бошқ. ва В.Попов кўрсатган услублари бўйича M SEXCEL компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Олинган натижалар помидорда *Acariphormes* туркумига мансуб каналарнинг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида олиб борилган тажрибаларда маълум бўлдики, бир авлоднинг ривожланиши учун ҳавонинг намлиги ва ҳароратига (иссиқлик) қараб 7 кундан 22 кунгача давом этади. Ҳавонинг ҳарорати $10-15^{\circ}\text{C}$, нисбий намлик эса 65-70% га тенг бўлганда бир авлоднинг ривожланиши 22,1 кун давом этса, ҳаво ҳарорати $15-20^{\circ}\text{C}$ ва нисбий намлик 45-50% ни ташкил этганда эса 16,8 кун давом этади.

Намлик кўтарилган сари занг канасининг озикланиши ва ривожланиши секин аста сустлашиб бориб, намлик 65-70%га кўтарилганда битта авлоднинг ривожланиш ($+15-20^{\circ}\text{C}$) 20,6 кунга чўзилади. $20-25^{\circ}\text{C}$ иссиқликда ва 65-70% намликда битта авлоднинг ривожланишига 13 кун сарф бўлиши аниқланди. Ҳаво ҳарорати $+20-25^{\circ}\text{C}$ нисбий ҳаво намлиги 35-40% да эса битта авлод ривожланиши учун 9,1 кун керак бўлади. Ҳарорат $25-30^{\circ}\text{C}$ ва нисбий намлик 65-70% ни ташкил этганда ривожланиши ўртача 10,2 кун давом этади. Занг канаси помидор (*Lycopersicon esculentum* Mill.), картошка (*Solanum tuberosum* L.), пақ-пақ (*Phisalis* L.) ва қора итузум (*Solanum nigrum* L.)да кучли ривожланиши, қизил итузум (*Solanum dulcamara* L), дала печак ўтида

(*Convolvulus arvensis*) ва бақлажон (*Solanum melongena* L.) да ўртача, ширин қалампир (*Capsicum annuum* L.) кучсиз ривожланиши аниқланди. Қизил итузум (*Solanum dulcamara* L.) да эса занг кананинг ривожланиши ва озикланиши ўртача бўлиши кузатилди. Бақлажон (*Solanum melongena* L.) ҳам занг кана учун жуда яхши хўжайин ўсимлик бўлиб ҳисобланади, чунки у занг кананинг жуда катта миқдорда популяцияларини сақлаб қолди ва зарарланиши натижасида бу ўсимликнинг барглари сарғайиб аста секин ўсишдан тўхтаб нобуд бўлиш ҳолати кузатилди (1 жадвал).

1-жадвал


Занг кана зарарлайдиган ўсимлик турлари (Дала тажрибалари 2016-2018 йй.)

№ П	Ўсимликнинг латинча номланиши	Ўзбекча номланиши	Зараланиш даражаси
1.	<i>Lycopersicon esculentum</i> Mill.	Помидор	+++
2.	<i>Phisalis</i> L.	Пақ-Пақ	+++
3.	<i>Solanum tuberosum</i> L.	Картошка	+++
4.	<i>Solanum dulcamara</i> L.	Қизил итузум	++
5.	<i>Solanum nigrum</i> L.	Қора итузум	+++
6.	<i>Convolvulus arvensis</i>	Дала печак ўти	++
7.	<i>Capsicum annuum</i> L.	Қалампир	+
8.	<i>Nicotiana tabacum</i> L.	Оддий тамаки	0
9.	<i>Longitlora</i> Cav.	Узун гулли наша	0
10.	<i>Brassica oleraceae</i> L.	Карам	0
11.	<i>Petroselinum</i> Hill.	Петрушка	0
12.	<i>Daucus carota</i> L.	Сабзи	0
13.	<i>Cucumis sativus</i> L.	Бодринг	0
14.	<i>Cucumismelo</i> L.	Қовун	0
15.	<i>Solanum melongena</i> L.	Бақлажон	++
16.	<i>Cucurbita</i> L.	Қовоқ	0
17.	<i>Gossypium hirsutum</i> L.	Ўза	0

Изоҳ. 0 - Кана ривожланмади; + - ўсимликда ривожланиш кучсиз; ++ - ўсимликда ривожланиш ўртача; +++ - ўсимликда ривожланиш кучли.

Занг кана билан зарарланган помидорда агротехник тадбирлар бир хилда ўтказилган бўлсада, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича барча кўрсаткичлари назоратдагидан анча фарқ қилди

Помидор ўсимлиги занг кана билан қанча эрта зарарланса, помидор ўсимлигидан олинadиган ҳосилнинг камайиши кучлироқ эканлиги ҳамда ўсимликларда турли морфологик ва анатомик ўзгаришлар содир бўлди. Экинларнинг барглари сарғайиши, тўқималарнинг некрозга учраши, мева тугунларининг қўплаб тўкилиши ҳамда пояда ялтироқ қўнғир доғлар ҳосил бўлиб, улар бўйи баробар ёрилиши ва бошқа ҳолатлар кузатилди (1-2-расмлар).



1-расм. Занг кана билан зарарланган помидор меваси.

2-расм. Занг кана билан зарарланган помидор барги.

Ушбу жадвалдан кўриниб турганидек, занг кана билан зарарланган ўсимликларнинг фенологик кўрсаткичлари: агротехник тадбирлар бир хил ўтказилган бўлса-да, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича барча кўрсаткичлари назоратдагидан анча фарқ қилди (2-жадвал).

2-жадвал

Занг кананинг помидорга келтирган зарари
(Вегетацион тажриба, Тош ДАУ, 2017-2018 йй, нав Авицена)

№	Кўрсаткичлар	Назорат	Тажриба	Фарқи
1.	Ўсимликнинг ривожланишдаври (нихолдан то пишиб етулгунча), кун	110	90	-20
2.	1 та ўсимликдан олинган ҳосил, кг	3,75	1,8	-1,6
3.	Зарарланиш даражаси, балл	0	5,0	-5,0
4.	Меванинг ўртача оғирлиги, г.	115,0	63,8	-51,2
5.	Шона тўкилиши, %	12,0	60,0	-48,0
6.	Гул тўкилиши, %	13,0	60,0	-47,0
7.	Пишмаган меванинг тўкилиши, %	1,2	40,1	-38,9
8.	Пишган меванинг тўкилиши, %	0,5	66,1	-65,6
9.	Шакли ўзгарган мева миқдори, %	0,2	58,9	-58,7

Жумладан, меванинг ўртача оғирлиги 51,2% га, шона тўкилиши 48% га, ўсимлик гулининг тўкилиши 47% га, пишмаган меванинг тўкилиши 38,9% га, пишган меванинг тўкилиши, 65,6% га, шакли ўзгарган мева миқдори эса, 58,7 % га камайиши кузатилди.

Занг канасининг зарарлилик коэффициентини аниқлаш бўйича 2016-2018 йиллар мобайнида Қибрай тумани «Sevara brend style» ф/х помидор экилган майдонларда ўргандик. Бунинг учун 20 туп белгиланган ўсимлик олинди. Занг кананинг ўсимлик барг юзасида жойлашуви 5 балли шкала ҳисобидан қайд этилди. Олиб борилган тажрибалардан шу нарса маълум

бўлдики, помидорни шоналаш босқичида занг кана билан 1 балл зарарлаганда 1935,8 грамм ҳосил камайиб, зарарлилик коэффиценти 51,6% га тенг бўлиши, ҳамда мева пишиш даврида 1 балл билан зарарланганда ҳосилдорлик ҳар бир ўсимликдан 200,6 граммга камайиб зарарланиш коэффиценти эса 5,3% ташкил этади. Бундай ҳолатда зараркунандага қарши кураш ўтказилиши талаб этилади (3-жадвал).

3-жадвал

Помидорда занг кананинг зарарлилик коэффиценти (Дала – садок тажрибаси, 4 қайтариқда, 2016-2018 йй.)

Зарар- кунанданинг баргда жойлашуви, (балл)	Ўртача 1 туп ўсимликдан олинган ҳосил, гр.	Ўртача 1 туп ўсим- ликда мева- ларнинг сони, дона	Ўртача ҳосил камайтиши назоратга нисбатан, гр.	Ўртача зарарлилик коэффи- центи, %	Ўртача 1 дона мева вазни гр.
Ўсимликлар шоналаш даврида зарарланган					
Назорат	3750,0±0,63	36,6±0,55	-	-	102,4
1	1814,3±0,73	19,2±0,69	1935,8±0,52	51,6±0,65	94,5
2	1437,1±0,68	16,3±0,58	2312,9±0,71	61,6±0,59	87,6
3	1124,6±0,76	13,5±0,71	2625,4±0,77	70,4±0,64	83,3
4	601,7±0,75	8,6±0,76	3068,3±0,67	81,8±0,63	69,9
5	317,4±0,68	4,8±0,72	3432,6±0,74	94,2±0,70	66,1
Ўсимликлар мева пишиш даврида зарарланган					
Назорат	3750±0,81	36,6±0,81	-	-	102,4
1	3549,4±0,72	32,7±0,54	200,6±0,69	5,3±0,51	108,2
2	3299,2±0,66	32,0±0,59	450,8±0,57	12,02±0,73	103,1
3	2697,8±0,64	27,2±0,57	1052,2±0,49	28,0±0,51	99,2
4	2186,7±0,69	23,6±0,68	1563,3±0,65	41,8±0,47	92,6
5	1315,9±0,46	14,8±0,65	2434,1±0,51	64,8±0,53	88,9

ЭКФ₀₅

1,4

Биз олиб борган тадқиқотларимизда ўргимчаккананинг очик шароитда помидор ўсимлигида фенологик ривожланишини ўргандик. Бунда ўн марта тўлиқ авлод бериб ривожланиши кузатилди. Биринчи авлоди дала атрофидаги бегона ўтларда ривожланиб, иккинчи авлоди апрелда ҳамда май ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келди.

Иккинчи авлоди 20-25 кун давом этиб, учинчи авлодига 15-17 кун, тўртинчисига 10-12 кун, бешинчисиники 8-10 кун, олтинчи ва еттинчи авлодига 7-9 кун, саккизинчига 9-10 кун, тўққизинчига 13-17 кун, ўнинчи авлодига эса 15-18 кун ва ниҳоят охирги 11 авлодининг ривожланиши 20-23 кунни ташкил қилиши аниқланди (4 -жадвал).

Помидорда ўргимчаккананинг фенологик ривожланиш
(Қиёраи тумани “Sevaga brend style” ф/х дала таъжрибаси 2016- 2018 йй.)

Авлод сони	Ойлар, декада бўйича																							
	Апрел			Май			Июн			Июл			Август			Сентябр			Октябр			I	II	III
	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III			
1 – авлод	+	+	–																					
2 – авлод				–	+	–																		
3 – авлод						+	+	–																
4 – авлод							+		• –															
5 – авлод									+	• –														
6 – авлод										+	• –													
7-авлод										+	• –													
8-авлод												+	• –											
9-авлод													+	• –										
10-авлод															+	• –								
11-авлод																								
Хаво ҳарорати, °C	14,2	14,4	19,7	19,9	21,8	21,6	25,4	26,6	29,4	31,3	31,9	29,1	29,6	28,4	23,6	22,0	21,7	17,8	15,2	13,7				
Тупрок ҳарорати, 10 см	13	17	17,1	17,6	18,0	18,3	18,6	18,9	18,9	18,6	19,0	19,0	19,5	18,1	18,7	17,4	17,0	16,1	13,4	11,5				
Ҳавонинг нисбий намлиги, %		64	49	58	61	59	48	44	42	39	37	39	42	43	46	44	42	46	53	51				
Фойдали ҳарорат йилгидиси	32	34	87	89	108	106	144	156	184	203	209	181	186	174	126	110	107	68	51	49	2404			
				57	32	70	36	30	126	84	100	118	63	147	39	84	26		9	42				
							210		210	210	210	210	210	210	210	210		210			91			

Изоҳ: **+** - ўргимчаккана етук фазаси; **•** – тухуми; **–** - личинкаси (нимфа)

Диссертациянинг «Табиий кушандалар ва уларнинг зараркунадалар сонини камайтиришдаги аҳамияти» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотларда помидор экини агробиценозида зараркунадалар миқдорини бошқаришда энтомофаглар турлари ўрганилганда 9 турга масуб табиий кушандалар учраши ва зараркунадалар миқдорини камайитириши аниқланганлиги келтирилган (5-жадвал).

5-жадвал

Сабзавот биоценозида учровчи энтомофаглар

(2016-2018 йиллар маълумоти Республика сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликлар)

№	Энтомофаг номи	Экин тури	
		Помидор	Фоизда учраши
1.	Амблисейус - йиртқич кана <i>Amblyseius mackenziei</i> Sch. Et Pr.	+	53,5
2.	Афидимиза галлицаси <i>Aphidoletes</i>	+++	82,6
3.	Афидиус - <i>Aphidius matricariae</i> Hal.	+++	85,6
4.	Етти нуқтали хонқизи - <i>Coccinellaseptempunctata</i> L.	+++	88,7
5.	Макролофус - йиртқич қандала <i>Makrolophus</i> H.S.	++	74,6
6.	Метасейулюс-йиртқич каналар (<i>Metaseiulus occidentalis</i> Nesb)	+	56,1
7.	Олтинкўз - <i>Chrysopa carnea</i> Steph	+++	88,7
8.	Сирфидлар оиласи – <i>Syrphidae</i> (<i>Syrphus corolla</i>)	+++	84,2
9.	Фитосейулюс - йиртқич каналар <i>Phytoseiulus persimilis</i>	+	56,4
10.	Энкарзия - <i>Enkarsia formosa</i> Gan.	+	55,7
11.	Канахўр трипс – <i>Scolothrips acariphagus</i> J.	+++	63,6

Изоҳ: + кам сонда учради; ++ ўртача миқдорда учради; +++ кўп сонда учради.

Унга кўра Амблисейус – йиртқич кана (*Amblyseius mackenziei* Sch. Et Pr.), афидимиза галлицаси (*Aphidoletes*), Афидиус (*Aphidius matricariae* Hal), етти нуқтали хонқизи (*Coccinella septempunctata* L.), канахўр трипс (*Scolothrips acariphagus* J.), макролофус-йиртқич қандала (*Makrolophus* H. S.), метасейулюс-йиртқич каналар (*Metaseiulus occidentalis* Nesb), олтинкўз (*Chrysopa carnea* Steph), сирфид пашшалари (*Syrphus corollae*), фитосейулюс-йиртқич кана (*Phytoseiulus persimilis*) кабилар учради. Систематик таҳлилига кўра *Hymenoptera*, *Diptera*, *Coleoptera*, *Neuroptera*, *Hemiptera* ва *Thysanoptera* туркумларига мансуб 11 та турга оид энтомофаглар сабзавот (помидор, бодринг ва баклажон) экинларида учраши аниқланди. Помидорнинг турли ўсув даврида олтинкўз (*Chrysopa carnea* Steph.) 1:10; 1:15 нисбатда занг кана ва ўргимчакканага қарши қўлланилганда 60-70% биологик самарадорликка эришилган.

Шу билан бир қаторда каналарга қарши биологик воситаларнинг самарадорлиги ва аҳамияти бўйича тадқиқотларни давом эттириш бўйича микробиологик препаратлардан ҳам фойдаланиш мақсад қилинди. Унга кўра микробиологик препаратлардан Биослип БТ н.кук. (*Bacillus thuringensis* 1.10¹¹ кое/г) 1,0-1,5 кг/га ҳамда Биослип ПВ, суюқ (*Beaveria bassiana* ОРВ-09, 1х10⁸) самарадорлиги икки хил 2,5-3,0л/га сарфлаш меъёрида ўрганилганлиги келтирилган. Бунда ушбу препаратлар занг канага қарши қўлланилганда 75,3-78,4% самара бериши аниқланган (6-жадвал).

6-жадвал

Занг канага қарши синалган биологик препаратларнинг самарадорлиги
(Дала тажрибаси, Қибрай туманидаги “Sevara brend style” ф/х 2018 й).

№	Препаратлар	Таъсир этувчи модда	Дори сарфи, л(кг)/га	Самарадорлик, % кунлар бўйича				
				1	3	7	14	21
1.	Биослип БТ, н.кук.	<i>Bacillus thuringensis</i> 1.10 ¹¹ кое/г	1,0	29,6	37,7	44,6	55,2	68,3
2.	Биослип БТ, н.кук.	<i>Bacillus thurienginsis</i> 1.10 ¹¹ кое/г	1,5	37,2	50,2	68,7	72,6	75,3
3.	Биослип ПВ, суюқ	<i>Beaveria bassiana</i> ОРВ-09, 1х10 ⁸	2,5	38,2	47,6	51,9	58,4	69,2
4.	Биослип ПВ, суюқ	<i>Beaveria bassiana</i> ОРВ-09, 1х10 ⁸	3,0	45,3	52,6	69,8	73,0	78,4
5.	Вертимек, 1,8% эм.к. (андоза)	<i>Абамектин</i>	0,3	38,4	65,2	79,4	90,6	83,5
6.	Назорат (ишловсиз)	-		-	-	-	-	-

Ўргимчакканага қарши қўлланилган Биослип БТ, н.кук. (*Bacillus thuringiensis* 1.10¹¹ кое/г) (1,0-1,5 кг/га) ҳамда Биослип ПВ, суюқ (*Beaveria bassiana* ОРВ-09, 1х10⁸) 2,5-3,0л/га микробиологик препаратларнинг самарадорлиги 70,2-79,4%га етганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «Помидорда каналарга қарши кимёвий усулда курашнинг истиқболлари» деб номланган бешинчи бобида лаборатория шароитида препаратлар турли хил сарф миқдорда синалиб, юқори самара берган вариантлар ишлаб чиқариш тажрибаларида уларнинг биологик самарадорлиги ўрганилган. Занг канасига К-Killer 10% эм.к. препарати 0,4-0,6 л/га ҳисобида занг канага қарши қўлланилганда 7 кун 89,8-92,5%, 14 кун эса 86,0-91,4 % самара берганлиги аниқланди. Вертимук 3,6% эм.к.препарати эса 0,15-0,2 л/га миқдорда қўлланилганда кузатувнинг 7 кунда 92,3-93,0%, 14 кун эса 90,3-91,0% самара бериши тасдиқланди. Капито 50% сус.н. препарати 0,225-0,1 л/га ҳисобида занг канага қарши қўлланилганда 7 кун 91,8-91,7%,

14 кунни эса 90,0-92,7% самара берганлиги аниқланди. Ламбатрин 29,5% эм.к.препарати 1,5-2,0 л/га ҳисобида занг канага қарши қўлланилганда 7 кунни 92,4-93,9%, 14 кунни эса 93,3-94,0% самара берганлиги аниқланган.

2016-2018 йилларда Қибрай туманидаги “Sevara brend style” ф/х да ўргимчакканага қарши бир нечта инсектоакарицидлар синовдан ўтказилди. Бунда: Бифенстар 20% эм.к. препарати 0,3 л/га ҳисобида қўлланилганда биологик самарадорлик 7-кунни 91,1% бериши аниқланди. Каратнур 7% эм.к. препарати эса 0,2-0,3 л/га миқдорда қўлланилганда кузатувнинг 7 куннида 89,2-91,7% самара бериши кузатилди. Alfa Rell 48% эм.к. препарати эса 7 -куннига бориб, 0,5 л/га сарф меъёрида синалганда 87,1%, 0,7 л/га сарф меъёрида синалганда 90,4% биологик самара бериши кузатувлар натижасида тасдиқланди. Коло 50% сус.к. препарати бошқа препаратларга нисбатан биров таъсири узоқроқ бўлса-да самарадорлиги қоникарли даражада эканлиги аниқланди. Бунда дори сепилгандан кейин 7 кунни (0,8-1,0 л/га) 87,2-91,2% га етганлиги кузатилди. Андоза вариантидаги БИ-58, 40% эм.к.препаратининг биологик самарадорлиги 1,5 л/га миқдорда қўлланилганда кузатувнинг 7 куннида 93,8% самара бериши кузатилди.

Ўтказилган дала тажриба тадқиқотларимиз асосида помидор экинига зарар келтирадиган занг кана ва ўргимчакканага қарши синаб қўрилган бир қатор инсектоакарицидларнинг биологик самарадорлиги юқори бўлиб, уларни ишлаб чиқаришга ишлатишга лойиқ деб топдик, ҳамда барча тадқиқотларимизни яқунлаш учун буларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини ўргандик.

Олинган натижаларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилганимизда занг канага қарши кимёвий кураш олиб борилганда тажриба вариантларига сарфланган ҳар бир сўм ўзини 6,7-6,8 марта оқлади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларининг рентабеллиги 670-680% га тенг бўлганлиги кузатилган.

Ўргимчакканага қарши кимёвий препаратлар қўлланилган тажриба вариантларда ҳимоя қилиш учун сарфланган ҳар бир сўмнинг ўзини оқлаши 6,9-7,0 сўмга тўғри келди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларининг рентабеллиги эса, 690–700% га тенг бўлиши олиб борилган кузатувларимизда тасдиқланди.

ХУЛОСА

1. Республикаимизнинг сабзавот экинларида *Acariphormes* туркумига мансуб бўлган зараркунандалардан: *Eriophyidae*–тўрт оёқли каналар оиласига мансуб занг канаси–*Aculops lycopersici* Masee, ҳамда *Tetranychidae* оиласига мансуб бўлган ўргимчаккана–*Tetranychus urticae* Koch. доминант тур ҳисобланиб помидор экинида кучли зарар келтиради.

2. 2016-2018 йилларда ўргимчаккана ҳамда занг канаси помидорга зарар келтириши, экилган майдонга нисбатан Навоий, Бухоро, ва Хоразм вилоятларида 6-12% гача, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё,

Жиззах, Сирдарё вилоятларида 12-22% гача, қолган вилоятларда эса 22-30% гача каналарнинг зарар келтириши аниқланди.

3. Ўзбекистоннинг иқлим шароити занг кананинг ривожланиши ва кўпайиши учун жуда қулай ҳисобланиб, кана йил давомида 8-12 тагача (очиқ далада) авлод беради, улардан 4-8 таси июнь-август ойига тўғри келади. Иссиқхоналарда (очиқ даладан иссиқхонага кирганда) қулай шароит мавжуд бўлганлиги сабабли (озука манбаъи ва иссиқлик етарли бўлаганида) бу жойларда занг кананинг йил давомида қишлоғга кетмасдан узлуксиз ривожланиши тасдиқланди.

4. Занг канаси дала печак ўтида (*Convolvulus arvensis*) ва қизил итузумда (*Solanum dulcamara* L.) ўртача, қора итузумда (*Solanum nigrum* L.) кучли ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу бегона ўтлардан дала чеккалардаги уватларни тозалаш зарур, сабабзанг канаси бу ўсимликларда қишлаб қолади ва эрта баҳорда (биринчи авлоди) ривожланиб, сўнгра помидор далаларига тарқалади.

5. Помидор занг кана билан шоналаш даврида зарарланган бир туп ўсимликда ҳосилнинг миқдори назоратга нисбатан 1850 гр, гуллаш босқичида зарарланса – 1565 гр нобуд бўлади. Мева тугиш босқичида эса 1076 гр ва ниҳоят, мева пишиш даврида зарарланса ўртача 621 гр ҳосил йўқотилади. Помидорни шоналаш босқичида занг кана билан 1 балл даражасида зарарлаганида, зарарлилик коэффиценти 54,6% га тенг бўлади: мева пишиш даврида 3 балл билан зарарланганида эса зарарланиш коэффиценти 70,4% бўлиши аниқланди.

6. Ўргимчаккана билан ўсимликлар гуллаш даврининг бошланишида зарарланганида помидорнинг Ўзбекистон-178 навида назоратга нисбатан битта ўсимликда 1 кг 540 гр, ТМК-22 навида эса 1 кг 875 гр ҳосил оз бўлиши мумкин. Мева пишишининг бошланиш даврида ўсимликлар ўргимчаккана билан зарарланганда Ўзбекистон-178 навида бир туп ўсимликдан ҳосилдорликни камайиши 0,921 кг ТМК-22 навида эса 0,888 кгни ташкил этади. Ўргимчаккана помидорнинг мева пишиш давридаги зарарлаш даражаси 1 балл бўлганида, зарарлилик коэффиценти 5,3% га, 2 баллда 10,3% га ва 3-нчи балл бўлганида 28,5% га тенг бўлади. Ўргимчаккана 4 балл билан зарарлаганида зарарлилик коэффиценти 43,3% га, 5 балл билан эса – 51,5% га тенг бўлади.

7. Помидор ўсимлигида занг канага қарши Биослип БТ н. кук., 1 кг/га ҳисобида қўлланилганда 21 кунга бориб биологик самарадорлик 68,3%, 1,5 кг/га миқдорда қўлланилганда эса 7 кун – 68,7%, кузатувнинг 21 кунида эса 75,3% га етганлиги маълум бўлди. Биослип ПВ нинг суюқ препарати (2,5 л/га) 21 кунда – 75,3%; 3,0 л/га сарф меъёрида эса 21 куни – 78,4% биологик самарадорлик кўрсатди. Помидорда ўргимчакканага қарши Биослип БТ н.кук (1,0 л/га) миқдорида қўлланилганда 21 кунга 70,2%, 1,5 кг/га эса 21 кунга бориб – 79,2% га тенг бўлди. Биослипнинг ПВ суюқ препарати эса (2,5 л/га) 21-куни 72,4%, 3,0 л/га сарф меъёрида эса – 79,4% самарадорлик кўрсатди. Микробиологик дори учун бу қоникарли бўлиб ҳисобланади.

8. Помидорда занг канага қарши қуйидаги инсектоакарицидлар синаб амалий тавсия қилинди: бунда; Бифенстар – 0,3 л/га, Каратнур – 0,2-0,3 л/га, Alfa Rell – 0,5-0,7 л/га, Коло – 0,8-1,0 л/га, Эффектум-Дуо – 0,15-0,2 л/га, Энтомектин экстра – 0,1-0,15 л/га, Benthos – 0,2-0,3 л/га, Римон Фаст – 0,3-0,7 л/га, К-Killer – 0,4-0,6 л/га, Grant – 0,15-0,2 л/га, Капито–0,225-0,1 л/га, Ламбатрин – 1,5-2,0 л/га.

9. Помидорда ўргимчакканага қарши қуйидаги инсектоакарицидлар юқори самара кўрсатди: Эффектум-Дуо (0,15-0,2 л/га) – 84,9-88,3%, Энтомектин экстра (0,1-0,2 л/га) – 86,9-90,8%, Benthos (0,2-0,3 л/га) – 88,2-91,8%, Римон Фаст (0,3 л/га) – 83,6%, Римон Фаст (0,7 л/га) – 87,8%.

10. Помидор экинида занг канаси ва ўргимчакканага қарши кимёвий воситалардан Коло, 50% сус.к.,препарати 1,0 л/га қўлланилганда ҳар 1туп ўсимликдан 0,9 кг помидорҳосили сақланиб қолинди. Benthos 1,8% эм.к.0,2 л/га препарати ишлатилган вариантда эса, 1 туп ўсимликдан 1,0 кг помидор ҳосили сақлаб қолинди.

11.Занг канасига қарши кимёвий кураш олиб борилганда тажриба вариантларида сарфланган ҳар бир сўм ўзини 6,5-7,2 марта оқлади. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларининг рентабеллиги 654-729% га тенг бўлганлиги кузатилди.Ўргимчакканага қарши кимёвий препаратлар қўлланилган тажриба вариантларда ҳимоя қилиш учун сарфланган ҳар бир сўм ўзини 6,0-6,5 сўмга оқлаши кузатилди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларининг рентабеллиги эса 600–654% га тенг бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МУМИНОВА РАЪНО ДАЛАБАЕВНА

**ВРЕДНОСНОСТЬ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ОТРЯДА *ACARIPHORMES* НА
КУЛЬТУРЕ ТОМАТА И УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ
ИХ ЧИСЛЕННОСТЬЮ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/Qx303.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Маматов Камол Шавкиевич кандидат биологических наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты	Хужаев Шамиль Турсунович доктор сельскохозяйственных наук, профессор; Бобобеков Қаландар кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт овощных, бахчевых культур и картофелеводства

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2018.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info-@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером _____) (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки номер _____ от «___» _____ 2020 года).

Б.А.Сулаймонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
академик

Я.Х.Юлдашов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.с.х.н., доцент

М.М.Адилов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире томат, в качестве продовольственной продукции, возделывается в более чем 100 странах и, в определённой степени, обеспечивает требования населения земли в продовольствии. В последнее время, при выращивании томата, под влиянием вредителей и болезней наблюдается потеря общего урожая в среднем до 30-40%¹. С целью предотвращения этих потерь, в сельском хозяйстве мира применяются различные методы и средства, что приводит к повышению расходов на возделывание томата.

В странах мира, возделывающих томат, проводится ряд научных исследований по управлению численностью вредителей, и положительные результаты внедрены в практику. В частности, в США, при возделывании томата, наблюдается потеря до 60% урожая из-за болезней и вредителей. Однако, по результатам проведённых экспериментов рядом научно-исследовательских учреждений, вследствие разработки новых методов и средств, достигнуто сохранение до 45% урожайности. По мнению исследователей мира, в качестве наиболее опасных вредителей на томате отмечены виды, входящие в отряд *Acariphormes*. В этой связи, актуальным является проведение ряда исследований в данном направлении и разработка системы интегрированной защиты против вредителей на томате.

Важное значение имеет возделывание овощных культур и повышение экспортного потенциала республики, а также сохранение урожая на основе совершенствования системы защиты от вредителей. Вместе с тем, в 2018 году томат возделывался на площади 37,2 тыс. га, и получено 754,2 тыс. тонн урожая. Однако, в процессе выращивания томатов клещи, относящиеся к отряду *Acariphormes*, наносят существенный вред, уничтожая в среднем 35-40% урожая. В этой связи, важное значение имеет обеспечение продовольственной безопасности страны, производство продукции, отвечающей требованиям мирового рынка, используя научно обоснованные средства и технологии. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в качестве приоритетных направлений отмечены задачи по «...разработке и внедрению в производство мероприятий по защите растений от болезней и вредителей». В этой связи, важной задачей является разработка и широкое внедрение в производство системы интегрированной борьбы по защите томата от вредителей при его возделывании.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5388 от 29 марта 2018 года «О

¹ OERKE E.C. Crop losses to pests Journal of Agricultural Science, Institute for Plant Diseases, Cambridge University Press, 2005.

дополнительных мерах по ускоренному развитию плодовоовощеводства в Республике Узбекистан», Законом Республики Узбекистан № ЗРУ-484 от 9 июля 2018 года «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О карантине растений», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V.«Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по изучению биоэкологических особенностей, степени вредоносности и осуществлению мер борьбы проводили такие зарубежные исследователи, как E.C.Oerke, A.M.Masse, K.P.Lamb, A.M.Hagerty, S.Y.Emmert, H.T.Reynolds, L.Furlan, Di.Bernardo, A.Boriani, M.Douglas, H.Merivee, E.Rahi, M.Bresciani, H.P.Ravn and A.Luik, а также учёные России В.Д.Семеренко, В.Г.Шевченко, В.Г.Долин, Р.Нюонзи, Ю.И.Помазков, Л.М.Хромова проводили исследования по вредоносности клещей на тепличных культурах. В Грузии исследования проводились Т.М.Чавчанидзе, Л.Т.Отхмизури и рядом научно-исследовательских институтов и научных учреждений.

